

# Аллоҳ таоло рози бўлган кимсаларгагина шафоат насиб этади | Тазкия дарслари (291-дарс)



19:00 / 20.07.2024 3041

Аллоҳ таолонинг розилиги набийлар ва мўминларнинг олий мақсадидир.

Аллоҳ таолонинг қуйидаги ояти каримаси айнан шу маънодадир:

﴿لَرَضَىٰ رَبِّيَ إِلَيْكَ وَعَجَّلْتُ أَنْتَرِي عَلَىٰ أَوْلَاءِ هُمْ قَالَ ﴿٨٣﴾ يَمْوَسَىٰ قَوْمِكَ عَنْ أَعْبَالِكَ وَمَا

**«Сени қавмингдан нима шошилтирди, эй Мусо?**

**У: «Ана, улар изимдалар. Рози бўлишинг учун Сенга шошдим, Роббим», деди»** (Тоҳа сураси, 83-84-оятлар).

Яъни «Қавмим ана у ёқда, ортимдан келишяпти. Мен эса Сенинг розилигингни топиш учун шошилдим», дедилар.

Бошқа бир ояти каримада Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

أَشْكُرُ أَنْ أَوْعَى رَبِّي قَالَ سَنَةَ أَرْبَعِينَ وَبَلَغَ أَشُدَّهُ بَلَغَ إِذَا حَتَّى شَهْرًا ثَلَاثُونَ وَفَصَلَّهُ وَحَمَلَهُ كُرْهًا وَوَضَعَتْهُ كُرْهًا أُمَّهُ حَمَلَتْهُ إِحْسَانًا بِوَالِدَيْهِ الْإِنْسَانِ وَوَصَّيْنَا  
﴿١٥﴾ الْمُسْلِمِينَ مِنْ وِائِي إِلَيْكَ بُنْتُ ابْنِي ذُرِّيَّتِي فِي لِي وَأَصْلِحَ تَرْضَهُ صَلَاحًا أَعْمَلَ وَأَنْ وَالدَى وَعَلَى عَلَى أَنْعَمْتَ اللَّيْ نِعْمَتَكَ

**«Инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Онаси унга қийналиб ҳомиладор бўлди ва уни қийналиб туғди. Ва унинг ҳомиласи ва кўкракдан ажратиши ўттиз ойдир. Қачонки у вояга етиб, қирқ ёшга етганида: «Роббим, Ўзинг менга ва ота-онамга берган неъматларингга шукр қилишимга ва Сен рози бўлган солиҳ амал қилишимга муваффақ этгин. Ва менинг зурриётларимни ҳам солиҳлардан қилгин. Албатта, мен Сенга тавба қилдим ва албатта, мен мусулмонларданман», деди»** (Аҳқоф сураси, 15-оят).

Ҳар бир инсон учун Аллоҳ таолонинг берган неъматига шукр қилиш муҳим ишдир. Ношукрлик куфрони неъматдир. Мўмин-мусулмонликка зиддир. Бу иш ўта муҳим ва нозик бўлгани учун бошқа ишлардан илгари айнан мана шу иш учун – шукр учун Аллоҳ таолонинг Ўзидан мадад сўралмоқда.

Шу билан бирга, қолган умрида шукр билан қўшиб, солиҳ амалларни кўпроқ қилишга, Аллоҳ таолонинг розилигини ахтаришга истак кучаяди. Шунинг учун ҳам ушбу дуода:

**«Сен рози бўлган солиҳ амал қилишимга муваффақ этгин»,** дейилмоқда.

**Аллоҳ таоло рози бўлган кимсаларгагина шафоат насиб этади.**

Бу ҳақда Ҳақ субҳанаҳу ва таоло шундай марҳамат қилади:

﴿١٦﴾ وَيَرْضَى إِشَاءَ لِمَنْ اللَّهُ يَأْذَنُ أَنْ بَعْدَ مِنْهُ إِلَّا شَيْئًا شَفَعْنَاهُمْ نُنْفِي لَّا السَّمَوَاتِ فِي مَلَكٍ مِنْ وَكُم

**«Осмонларда қанчадан-қанча фаришталар мавжуд, уларнинг шафоати ҳеч фойда бермас. Фақат Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ва рози бўлганларга изн берса, мустасно»** (Нажм сураси, 26-оят).

Маълумки, мушриклар «Буту санамлар бизни шафоат қилади», дер эдилар. Шунингдек, фаришталар Аллоҳнинг қизлари, улар ҳам шафоат қилади, деб эътиқод қилишарди. Бундай эътиқоднинг замини пуч экани ушбу ояти карима ила исботланди. Бу дунёю охират – ҳаммаси Аллоҳники бўлганидек, шафоат ҳам Аллоҳникидир. У кимга изн берса, ўшагина шафоат қила олади. Мушриклар ўзларининг ботил эътиқодларидан умид қилмай қўяқолсинлар.

***«Рухий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.